



БОЖХОНА ТҮЛОВЛАРИ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙУНАЛИШЛАРИ

Гаффаров Шухрат Насриевич -

Фискал институти мустақил изланувчиси

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss5/a56

Аннотация. Мақолада мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ ва божхона ислоҳотлари натижасида божхона түловлари маъмуриятчилигини такомиллаштириш масалалари ёритилган. Божхона түловлари механизмини рақамлаштириши бўйича таклифлар берилган.

Калим сўзлар: бож, божхона йигими, божхона түловлари, божхона қиймати, божхона таърифи, солиқ, қўшилган қиймат солиги.

НАПРАВЛЕНИЯ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕХАНИЗМА УПЛАТЫ ТАМОЖЕННЫХ ПЛАТЕЖЕЙ

Гаффаров Шухрат Насриевич -

Независимый исследователь Фискального института

Аннотация. В статье освещены вопросы совершенствования администрирования таможенных платежей в результате налоговой и таможенной реформы, проводимой в нашей стране. Внесены предложения по цифровизации механизма таможенных платежей.

Ключевые слова: пошлина, таможенная пошлина, таможенные сборы, таможенная стоимость, таможенный тариф, налог, налог на добавленную стоимость.

DIRECTIONS FOR IMPROVING THE MECHANISM FOR PAYING CUSTOMS DUTIES

Gafforov Shukhrat Nasrievich -

Independent researcher Fiscal Institute

Abstract. As a result of the tax and customs reforms carried out in our country, the issues of improving the administration of customs payments are covered in the article. Proposals for digitalization of the customs payment mechanism have been made.

Key words: duty, customs duty, customs fees, customs value, customs tariff, tax, value added tax.

Кириш. Мамлакатимиз солиқ тизимида билвосита солиқлар тушумида божхона түловлари иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга. Божхона түловлари орқали мамлакатнинг ташкии иқтисодий алоқалари тартиба солинади. Шунингдек, мамлакатни турли иқтисодий хавфлардан ҳимоя қиласди. Жаҳон савдо ташкилоти, жаҳон божхона ташкилоти ва бошқа ҳалқаро ташкилотларнинг стандартлари ва тавсияларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва божхона тартиб-таомилларини соддалаштиришни талаб этади.

Бу соҳадаги ислоҳотларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 июндаги “Божхона маъмурчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6005-сонли фармони қабул қилинди[1]. Унда “2020-2023 йилларда божхона маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорли-

гини ошириш концепцияси” қабул қилиниб, рақамли иқтисодиёт доирасида замонавий ва илғор ахборот-коммуникация технологияларини божхона соҳасига жорий этиш орқали божхона органлари фаолияти шаффоғлиги ҳамда самарадорлигини таъминлаш асосий вазифалардан бири этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2023 йил 14 апрель куни Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнлари ва истиқболларига оид тақдимот билан танишди ва бу борада ўзининг фикрларини билдириди. Маълумки, Жаҳон савдо ташкилоти давлатлараро кўп томонлама савдо тизимини мувофиқлаштириб турувчи нуфузли ҳалқаро тузилмадир. Дунё савдосининг 95 фоизи унга аъзо 164 та мамлакат ҳиссасига тўғри келади.

Ташкилотнинг асосий вазифаси эркин ва шаффоғ савдо муносабатларини тартиба солиш ва уни кенгайтириш орқали аъзо мамлакатлар барқарор тараққиётини таъминлаш ва инсонлар турмушини яхшилаш ҳисобланади. Бу Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар мақсадига тўлиқ мос келади.

Илгари мамлакатимиз экспортининг ярми пахта толасига тўғри келарди. Унинг экспортидан тўлиқ воз кечилгандан кейин, тайёр кийим-кечак экспорти 4 баравар кўпайди. Ўтган йил натижаларига кўра, тўқимачилик маҳсулотлари экспорти 3 миллиард 300 минг долларни ташкил этди. 2021 йилда Ўзбекистон GSP+ тизимига қўшилгани натижасида Европа бозорига тайёр маҳсулот экспорти 1,5 баравар ошиди.

Ташқи савдода тайёр маҳсулот экспортини кўпайтиришда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш янада кенг имкониятлар очади. Шу боис Ўзбекистон 2019 йилдан бу халқаро тузилмага аъзолик жараёнини янгидан бошлаган эди. Ўтган даврда бу мақсад сари дадил қадамлар қўйилди.

Йифилишда давлатимиз раҳбари Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш шартлигини таъкидлаб, бунинг иқтисодий аҳамиятига тўхталди: “Келгуси уч йилда тайёр маҳсулот экспортини 2 баравар оширишни режа қилганмиз. Бунга эришишнинг бирдан бир йўли – Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш. Бу 164 та давлат билан адолатли савдо тизимини йўлга қўйиш ва барқарор бозорларни яратиш имконини беради”, – деди Шавкат Мирзиёев [2].

Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишини тезлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнини жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-181-сонли қарори қабул қилинди.

Адабиётлар шарҳи. Тадқиқотнинг муаммосига бағишлиланган илмий ишларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, ушбу мавзуни хорижий олимлар ва бошқалар тадқиқ этган.

Ўзбекистон энциклопедиясида (2023) божхона тўловлари қўйидагича қайд этилган: **Божхона тўловлари** – мамлакат чегараси орқали ўтказиладиган (олиб кириладиган ва чиқариладиган) товар моддий бойликлар учун тўланадиган ҳақ. Божхона тўловларининг тўлаш шартлари ва меъёрлари бож тарифларида белгиланади. Божхона тўловлари меъёри ҳар қайси давлат божхона тизими қонун-қоидаларига мувофиқ турлича бўлиши мумкин. Ўзбекистонда Божхона тўловларининг бож тўлови; қўшилган қиймат солиғи; акцизлар; божхона органлари берган лицензия учун ва лицензияни янгилаш учун йиғим; божхонани расмийлаштириш бўйича мутахассис малака аттестати учун йиғим; божхонада юкларни расмийлаштириш учун бож йиғиши; товарларни сақлаганлик учун бож йиғими; товарларни божхона назоратидан ўтказгани учун бож йиғимлари; ахборот ва маслаҳат учун тўлов; олдиндан қарор қабул қиласиги учун тўлов; божхона аукционларида иштирок этган-

лиги учун тўлов каби турлари мавжуд. Божхона тўловларини тўлашдан қисман ёки тўла озод этиш, тариф имтиёзлари бериш ҳар бир мамлакатнинг божхона кодексига асосан амалга оширилади[3].

Е.В.Романова (2005) қўйидаги таърифни беради: “божхона тўловлари - бу божхона тўловлари, қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, божхона тўловлари ва амалдаги божхона қонунчилигида назарда тутилган божхона ва божхона тўловларини амалга ошириш учун белгиланган тартибда божхона органлари томонидан ундириладиган Россия Федерациясининг ташқи савдо фаoliyatini тарифларни тартибга солища кўлланинадиган бошқа тўловлар”[4].

В.Г.Драганов (1998) божхона тўловларини “Россия Федерацияси божхона органлари томонидан товарларни давлат божхона чегараси орқали олиб ўтишда бевосита иштирок этувчи шахслардан ундирилиши керак бўлган пул маблағлари, шу билан бирга божхона тўловларини маълум маънода божхона даромадларига тенглаштиришни таклиф қиласи”[5].

В.Г.Зозуля (2013) аксинча, “Божхона тўловлари ва солиқлар бир хил фискал хусусиятга эга бўлган ҳодисалар ва уларнинг бир-биридан ажралиши ортиқча хуқуқий тартибга солиша олиб келади”, деб ҳисоблади[6].

В.Ю.Жуковец (2005) фикрича, “Божхона тўловлари деганда, товарларни божхона иттифоқининг божхона чегараси орқали олиб ўтишда божхона органларига мажбурий равишида, шахс томонидан тўланиши керак бўлган барча тўловларнинг йиғиндиси” тушунилади[7].

О.Ю.Бакаев (2005) фикрича, “Божхона тўловлари – белгиланган тартибда божхона органлари томонидан йиғиладиган ва товарларни божхона иттифоқининг божхона чегараси орқали олиб ўтишда тўланадиган солиқ ва бюджетга тушадиган солиқ ва солиқдан ташқари тушумлар вазифасини бажарадиган мажбурий тўловлар”[8].

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексида (2023) божхона тўловларининг таърифи берилмасада, унинг турлари келтириб ўтилган:

Товарларни божхона чегараси орқали олиб ўтишда ва ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа ҳолларда қўйидаги божхона тўловлари тўланади:

- божхона божи;
- қўшилган қиймат солиғи;
- акциз солиғи;
- божхона йиғимлари[9].

Рус иқтисодчиси С.Ф. Сутирын америкалик тадқиқотчи Кент Джонс (2008) томонидан илгари сурилган қонуниятни келтиради: ЖСТга кираётган мамлакатнинг иқтисодиёти қанча

йирик бўлса, кириш бўйича ариза шунча кеч тақдим этилиши ва музокаралар жараёни ҳам шунча узоқ чўзилиши мумкин[10]. Шу туфайли МДҲ двлатлари орасида нисбатан йирик ҳисобланган Россия Федерацияси, Белоруссия, Украина, Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиш юзасидан олиб борган музокаралари жараёни анча узоқ давом этди.


Тадқиқот методологияси. Божхона тўловлари маъмуряятчилигини тадқиқ этишда иқтисодий таҳлил, мантиқийлик ва гуруҳлаш усулларидан фойдаланилди. 2018-2022 йилларда республикамизда божхона тўловларини ҳисблаш ва ундириш борасида амалга оширилган ислоҳотлар, назарий ва амалий жиҳатлари илмий ўрганилган.

Таҳлил ва натижалар. Мамлакатимизда ташқи савдони ривожлантириш, божхона маъмуряятчилигини соддалаштириш ва такомиллаштириш борасида маълум ишлар амалга оширилмоқда. Бунга мисол сифатида қуйидагиларни келтиришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 июндаги “Божхона маъмурчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси

давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6005-сонли фармони қабул қилинди. Унда “2020-2023 йилларда божхона маъмуряятчилигини ислоҳ қилиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш концепцияси” қабул қилиниб, рақамли иқтисодиёт доирасида замонавий ва илғор ахборот-коммуникация технологияларини божхона соҳасига жорий этиш орқали божхона органлари фаолияти шаффоғлиги ҳамда самарадорлигини таъминлаш асосий вазифалардан бири этиб белгиланди[1].

Мамлакатимиз Бюджетномасига мувофиқ божхона тўловлари бўйича 2023 йилда кутилаётган тушумлар 52,2 трлн сўмни (ЯИМга нисбатан 5,1 %) ташкил қилиши ёки 2022 йил кутилаётган тушумга нисбатан 6,0 трлн сўм (112,9 %) ўсиши кутилмоқда. Кутилаётган тушумнинг 44,1 трлн сўми (84,44%) қўшилган қиймат солиғи, 724 млрд сўми (1,39%) акциз солиғи, 5,8 трлн сўми (11,11%) божхона божи ва қолган 1,6 трлн сўми (3,06%) божхона йигимларини ташкил қиласи (1-расм).




1-расм. 2023 йилда божхона тушумлари таркиби (млрд. сўмда)

Манба: Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридағи Божхона қўмитаси очиқ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Олиб борилаётган божхона ислоҳотлари натижасида давлат бюджетига ўтказилган божхона тўловларининг миқдори ҳам йилдан йилга

ошмоқда. Таҳлиллар шуни қўрсатмоқдаки, 2018-2022 йилларда бу қўрсаткич миқдори 4 марта ошган (2-расм).



2-расм. Божхона органлари томонидан 2018-2022 йилларда Давлат бюджетига ўтказилган божхона тўловлари миқдори (млрд сўмда)

Манба: Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Божхона қўмитаси очиқ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

2-расм маълумотларидан кўриниб турибдики божхона тўловлари 2018 йилда 11487,9 млрд сўмни, 2019 йилда 17100,0, 2022 йилда 27723,2, 2021 йилда 33226,0 ва 2022 йилда 46024,4 млрд сўмни ташкил этган.

Божхона тўловларини ўсишига импорт товарлари ҳажмини кўпайиши, божхона қийматини аниқланиши такомиллашаётганлиги, божхона тўловлари ставкаларини ўзгариши, эркин алмаштириладиган валюта курсининг ўзгариши, автоматлаштирилган ахборот тизимидан самарали фойдаланилаётганлиги, меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллашаётганлиги каби асосий омиллар таъсир этади.

Юқорида келтирилган омиллар ичida божхона қийматининг таъсири муҳим ҳисобланади.

Бу борада Т.Пардаев (2020) қуйидаги фикрларни билдирган: мамлакатимиз божхона ҳудудига олиб кирилаётган товарларга божхона қийматини тўғри аниқлаш ҳозирги кунда асосий долзарб масалалардан бири ҳисобланади ва бу орқали мамлакат бюджети даромадлар қисмига пул маблағларини тўлиқ тушиши таъминланади, миллий иқтисодиётни жаҳон иқтисодий тизимида интеграциялашуви янада тезлашади, иқтисодиётни барқарор ривожланишига замин яратилади[10].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 6 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириладиган товарнинг божхона қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 160-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириладиган товарнинг божхона қийма-

тини аниқлаш тартиби тўғрисида Низом”да олиб кириладиган товарнинг божхона қийматини аниқлаш қуйидаги усулларни қўллаш орқали амалга оширилади[11]:

олиб кириладиган товарга доир битимнинг қиймати бўйича (кейинги ўринларда — 1-усул);

айнан бир хил товарга доир битимнинг қиймати бўйича (кейинги ўринларда — 2-усул);

ўхшаш товарга доир битимнинг қиймати бўйича (кейинги ўринларда — 3-усул);

қийматларни чегириб ташлаш асосида (кейинги ўринларда — 4-усул);

қийматларни қўшиш асосида (кейинги ўринларда — 5-усул);

захира усул (кейинги ўринларда — 6-усул).

1-усул олиб кириладиган товарнинг божхона қийматини аниқлашнинг асосий усули ҳисобланади.

Агар олиб кириладиган товарнинг божхона қийматини аниқлашнинг 1-усулини қўллаш мумкин бўлмаса, ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган усуллар кетма-кетлиқда қўлланилади. Бунда ҳар бир кейинги усулнинг қўлланилишига, агар божхона қийматини аниқлашда олдингисидан фойдаланиш мумкин бўлмаса, йўл қўйилади. 4 ва 5-усуллар тескари кетма-кетлиқда қўлланилиши мумкин деб белгилаб қўйилган.

Товарнинг божхона қийматини 1-усул олиб кириладиган товарнинг божхона қийматини битим қиймати бўйича, яъни олиб кирилаётган товар божхона чегарасини кесиб ўтаётган пайтда товар учун амалда тўланган ёки тўланиши лозим бўлган нарх бўйича аниқлашни назарда тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти-

нинг 2022 йил 27 апрелдаги “Божхона маъмуритчилигини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 122-сонли фармонида 2022-2023 йилларда божхона расмийлаштируви жараёнларини рақамлаштириш бўйича йўл харитаси тасдиқланган. Йўл харитада божхона тўловларини ҳисоблаш жараёнини рақамлаштириш орқали қарздорликларнинг ҳисобини юритишнинг умумий шаффоф электрон тизимини яратиш; божхона тўловларини бўлиб-бўлиб ва кечиктириб тўлашга рухсат бериш жараёнларини рақамлаштириш; божхона тўловлари бўйича солиштирма далолатномани расмийлаштириш жараёнларини рақамлаштириш бўйича дастурий таъминотлар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш белгиланган.

Божхона тўловларини ҳисоблаш ва ундириш жараёнини рақамлаштиришда дастурий таъминотларни амалиётга жорий этилиши, божхона расмийлаштирувига сарфланадиган вақт ва маблағларини қисқартиришга ҳамда тўловларни ўз вақтида тушушини таъминламоқда.

Хулоса ва таклифлар: солиқ ва божхона маъмуритчилигида ўтказилган иқтисодий ислоҳотларга қарамасдан, божхона тўловларини ҳисоблаш ва ундириш тизимида муаммолар мавжудлиги аниқланди.

Божхона тўловларини ҳисоблаш ва ундириш жараёнини рақамлаштиришни тезлаштириш ҳамда халқаро талабларга жавоб берадиган янги технологияларни жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 июндаги “Божхона маъмурчилигини ислоҳ этиши ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаoliyatini takomillashтириши тўғрисида”ги ПФ-6005-сонли фармони.
2. Мирзиё Ш.М. Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлади.
<https://president.uz/uz/lists/view/6157.14.04.2023>.
3. <https://uzsmart.uz/ensiklopediya/ensiklopediya/bojxona-tolovlari.html>. 12.06.2023.
4. Романова Е. В. Таможенные платежи. — СПб., 2005. — С. 29–30.
5. Драганов В. Г. Основы таможенного дела. — М., 1998. — С. 330.
6. Зозуля В.В. Таможенные платежи и налоги в рамках действия Таможенного союза. Научно-аналитический журнал «Наука и практика» Российского экономического университета им. Г.В. Плеханова. 2013;(1):114–118.
7. Жуковец В.Ю. Таможенное право в вопросах и ответах. – М., 2005. С. 98. З.
8. Бакаева О.Ю. Правовое регулирование финансовой деятельности РФ. – Саратов, 2005. С. 28.
9. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси. 289-модда. 2023.
10. Сутырин С.Ф. и др. ВТО: механизм взаимодействия национальных экономик. Угрозы и возможности в условиях выхода на международный рынок. – М.: Эксмо, 2008
11. Пардаев Т. Божхона тўловлари йиғилувчанлигини оширишда божхона қиймати ва уни аниқлашни такомиллаштириш ўйлари. Ўзбекистон божхона ахборотномаси №1,2020.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 6 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириладиган товарнинг божхона қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 160-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириладиган товарнинг божхона қийматини аниқлаш тартиби тўғрисида Низом”.